



# MILLIY TIKLANISH

42 (155)

2011 йил 26 октябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Илмий тадқиқотларнинг янги уфқлари

Сўнгги йилларда юртимиз олимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар асосида яратилган инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жадаллашувига хизмат қилаётир. Бу борада «UNICON.UZ» — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг алоҳида ўрни бор.



## Хунармандлар оиласи

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Янгиқишлоқ қишлоғида яшовчи Машраб Файзиев ва Феруза Худойкуловани кўпчилик хунарманд оила сифатида танийди. Оила бошлиғи моҳир кулол бўлса, рафикаси — каштачи. Улар яратган уй-рўзгор буюмлари, каштачилик маҳсулотлари бежиримлиги, бетақрорлиги билан кўпчилик эътиборига тушган.



## Ранглар, орзулар, ҳиссиётлар ҳамоҳанглиги

Санъат ҳафталиги доирасида мамлакатимизнинг етакчи дизайнер ва хорижий мода уйлари либослари намойишлари, миллий либослар фестивали, театр постановкалари, классик ва замонавий санъат бадиий кўргазмалари, замонавий санъат биеналеси, халқаро кинофорум, хайрия акциялари тақдим этилаёпти.

## 4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## 5 МАЪНАВИЯТ

## 8 КўЗГУ

### ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ



### ХАБАРЛАР

#### Ҳамкорлик ривожланмоқда

Тошкентда Ҳиндистон Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастури (ИТЕС) билан ҳамкорликка бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, халқаро ва жамоат ташкилотлари ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон 1993 йилдан бошлаб ИТЕС дастури бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу дастур доирасида шу кунгача Ўзбекистонлик ўнлаб мутахассислар Ҳиндистондаги нуфузли олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш, банк иши ва молия, таълим, меҳмонхона бизнеси, журналистика, дипломатия, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларини ривожлантириш каби соҳаларда малака ошириб қайтишди.

#### "Соғлом она — соғлом бола"

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб Журналистларнинг қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази томонидан ОАВ вакиллари учун Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Наманган ва Нукус шаҳарларида семинар-тренинглар ўтказилди.

Пойтахтда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда болалар соғлиги масалаларини ёритишда ҳудудий ОАВларининг салоҳиятини ошириш" мавзусидаги лойиҳа якунларига бағишланган давра суҳбати ҳам айнан вилоятлар кесимида фаолият олиб бораётган журналист кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш ва уларни мазкур йўналиш бўйича ихтисослаштиришга қаратилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренинг якунида журналистлар мавзунини мунтазам ёритиб боришга йўналтирилган медиа-режаларини тақдим этишди.

#### Тажриба ва амалиёт

Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳамда Навоий Давлат педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи-шоирлар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда узлуксиз таълимни янги сифат босқичига кўтариш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида таълим тизимини янада такомиллаштириш, халқаро тажрибаларни омаллаштириш, ахборот ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, таълим мазмунига миллий қадриятларни сингдириш, тажрибали ўқитувчиларни рағбатлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофича муҳокама қилинди.

### КОНЦЕЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ



## Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давр тақозоси

*Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи Президентимиз Ислам Каримов томонидан асосий вазифа этиб белгилаб берилди. Утган тарихан қисқа давр — йигирма йилдан зиёд вақт давомида юртимизда конституциявий ҳуқуқий давлат қуриш йўлида муайян натижаларга эришилганини эътироф этган ҳолда, бу борада ҳали олдимизда кенг қўламли ишлар турганини ҳам таъкидлаш жоиз.*

Юртбошимиз бу йўлда қўйилган дастлабки қадамларга тўхталар экан, «Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тай-

ёрладик. Жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белги-

лаб берилган Конституция-миз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик», деб қайд этади (3-том, 135-бет).

Маълумки, ҳуқуқ эркинлик меъёрини белгилаб ёки чегаралаб, мажбурият юклаб ва аниқлаб, кишилар фаолиятини ижобий йўналтириш учун уларнинг фелъ-атворига фаол таъсир кўрсатади.

2-бет

## Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш

### МАҲКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ВОСИТА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурдаги «Миллий ғоя ва мафкура» илмий-амалий маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавият маркази ҳамкорлигида «Ёшларни миллий урф-одатлар ва қадриятлар руҳида тарбиялаш: глобаллашув шароитида маънавий таҳдидлар» мавзусида ёшлар форуми ўтказилди.

Унда партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия «Ёшлар қаноти» етакчилари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурдаги «Миллий ғоя ва мафкура» илмий-амалий маркази ходимлари, ҳаваскор ёш хунармандлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

3-бет

### ТАҲЛИЛ

## Маънавий ҳаёт мезонлари

Тарих шохидки, халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган аллома фарзандлари, комил инсонлари, уларнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари билан ҳам бошқа халқлар орасида хурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Шарқона таълим ва тарбияда ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, سخоватпешалик, илм-маърифатга интилиш каби юксак фазилатлар бундан минг йиллар аввал ҳам бугунгидек муҳим аҳамият касб этган.

дай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда».

Собиқ тузум даврида эскилик сарқити дея камситилган, маънавий ҳаётимиздан зўрлик билан ажратиб қўйилган кўпга миллий қадриятларимиз мустақиллигимиз боис қайта тикланиб, ривожланиш ўзинини топиб олди.

5-бет

Президент Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бу борада шундай ёзади: «Эзгу фазилат ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг таби-

тига хос бўлган юксак маънавият, неча асрларки, бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғомон асраб келмоқда. Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қан-



## «Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи = 158



# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Хукук» атамасининг таърифи ҳақида гап борганда, авваламбор, истиқлол даври учун янгилик бўлган «хукуқий давлат», «хукуқий маданият», «хукуқий онг», «хукуқий мафкура» каби муҳим тушунчаларнинг таърифи ва луғавий маъноси тўғрисида фикр юритиш ўринли, деб ўйлаймиз.

**Хукуқий давлат** — жамиятнинг иродасини ифода этув-

ди. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-хукуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. **Зеро, хукуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади, деб таъкидлайди** (1-том, 321-322-бетлар).

Юқоридаги таърифлардан яққол кўриниб турибдики, хукуқий давлат ва хукуқий маданият — ўзаро узвий боғлиқ.

ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майда қабул қилинган «Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Кейинги вақтда бу борада амалда бўлган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муайян ишлар олиб борилаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Ҳозирги кунда энг долзарб

белгилари, мезонларини аниқлаш зарур. Хукуқий онгнинг ўсиши — бу хукуқий маданиятнинг ўсиши, қонунларни ижро этиш ва ҳурмат қилиш даражасининг ошиши демекдир. Хукуқий онг қонунларни нафақат билишни, балки қонун талабларига итлоқ этишни ҳам англатади. Албатта, инсон ҳамма қонунларни билиши мумкин эмас, аммо у энг муҳим қонунларни билиш мажбур. Бу конституциявий мажбуриятдир.

Юртбошимиз куйиниб га-

даркор? Табиийки, хукуқий онгни юксалтириш жараёнида рағбатлантириш чораларига кенг ўрин бериш, шу мақсадга қаратилган хукуқий нормаларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, муайян таълим муассасасининг ҳар бир битирувчиси дипломида унинг хукуқий билимлари учун олган баҳоси қайд этилиши керак. Ҳозирги кунда бу иш тизимсиз олиб борилмоқда. Тегишли олий ўқув юрталарининг таълим дастурларига мактаб, ли-

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Электорат манфаатлари

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

## КОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Хўжайли туман Кенгаши томонидан «Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан ЎзМТДП Хўжайли туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Н.Сапаев жорий «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар, солиқ ва молиялаштириш тизимидаги имтиёزلарга эътибор қаратди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида босқичмас-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши кичик бизнес, миллий хунармандчилик ҳамда оилавий бизнес ривожига кенг йўл очди. Мазкур имкониятдан унумли фойдаланиб ЎзМТДПнинг электорати ҳисобланган хунармандлар ва касаначилар, оилавий бизнес билан шуғулланаётган аъзоларимиз манфаатларидан қайлиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратилиши ҳамда улар фаолиятини моддий, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларда фаол иштирок этишимиз лозим.

Тадбирда кадрларимиз давомчилари саналган хунармандчилик ва касаначилик билан машғул хотин-қизлар иш тажрибалари билан ўртоқлашди.

## БУХОРО

— Мустақилликнинг илк даврларидан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол авлод қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Ҳасанов. — Бу борада ЎзМТДП ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим олиши, маданият, спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларни турли ёт го ва мафкуравий таҳдидлардан асраш, шунингдек, аждоқларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросдан хабардор қилиш, миллий кадрият, аъна ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида вояга етишларига қўмаклашиб келмоқда.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиши, жамият ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва сийёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ўтхалди.

Тадбир сўнгида голиблар партия шаҳар Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## НАМАНГАН

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши, миллий кадрият, аъна ва урф-одатларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, миллий тикланиш гоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдириш ЎзМТДПнинг асосий мақсадларидан саналади. ЎзМТДП Уйғи туман Кенгаши томонидан ўтказилган «Сиз урф-одат ва расм-русумларимизни биласизми?» мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай мақсадларга қаратилди.

Тадбирда аждоқларимиздан мерос турли урф-одатларимиз мазмун-моҳияти, уларнинг маънавий меросимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди. Жумладан, баҳор ва куз фасли удумлари ва кадриятларидан ҳисобланган «сумалак», «қозон тўлди», «қуш қайи», «етти кўкрат», «қовоқ сайли» ҳамда «қовун сайли» каби маросимлар ҳақида атрофчила маълумот берилди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар халқимизнинг маънавий, миллий кадрият, аъна ва урф-одатларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларга ҳурмат тўғрисида шакллантириш лозимлигини таъкидлашди.

## НАВОИЙ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Навоий вилоят ва Навоий шаҳар Кенгаши раҳбарлигида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичида ахборот олиш эркинлиги» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия вилоят ва шаҳар Кенгаши раҳбарлари, ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят минтақавий бўлими ходимлари, НДПИ профессор ўқитувчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифалар аниқ тақриф ва ташаббуслар орқали белгилаб берилди. Юртимизда кечаётган изчил ислохотлар, жумладан, ахборот олиш ҳуқуқининг давлат томонидан қаролатилгани ва бу борада бир қатор хукуқий асослар яратилгани эса фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши мукаррар.

Мулоқот жараёнида фуқароларнинг сийёсий ва хукуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз сийёсий ва ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини юксалтиришда ЎзМТДП билан ОАВнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишларига эътибор қаратилди.

Ёшларга дунёда руй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини, сабаб ва оқибатларини ҳаққоний, таъсирчан мисоллар орқали тушунириш ҳамда уларни ОАВда кенг ёритиш муҳимлиги таъкидланди. Тадбир ўзаро фикр алмашиш ва савол-жавоб тарзида кечди.

## САМАРҚАНД

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга қўмаклашиб ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири саналади. ЎзМТДП Окдарё туман Кенгаши «Аёллар қаноти», туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маънавий тарғиб маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида адабиёт, санъат, фан ва маданиятни янада ривожлантириш, миллий истиқлол гоясини маданий-маънавий кадриятларга эътиқодини юксалтириш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришда фаол иштирокини рағбатлантиришга қўмаклашиш мақсадида «Зулфияхоном — 2011» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда 67 нафар иқтидорли ёшлар адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳалари бўйича ўз истеъодларини намойиш этди.

— Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор боис, бугун юртимизнинг барча жабҳаларида фаолият юритаётган иқтидорли ва шижоатли хотин-қизларимиз меҳнат муносиб баҳоланди, турли давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда, — деди ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Г.Рустамова. — Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Зулфияхоном номидаги давлат мукофоти кўрик-танлови ҳам чека қўшқоқларда истиқомат қилаётган иқтидорли, истеъодли қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Ғолиблар партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз

# Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш — давр тақозоси

чи ва уни акс эттирувчи, қонуннинг устуворлигига асосланган умумий ташкилотдир.

Президентимиз Ислам Каримов қайд этганидек, «Хукуқий давлатнинг асосий белгиси, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг

Аҳолининг хукуқий саводхонлигини йилдан-йилга ошириб бориш хукуқий давлат қуришнинг энг муҳим омилдир. Бу, ўз навбатида, хукуқий жараённинг тасдиғи ҳамдир. Агар аҳолининг хукуқий маданияти юксалмаса, демек одамларда қонунларга ишонч йўқ, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштиришга ишонч мавжуд эмас. Модомики, аҳоли-

муаммо — аҳоли хукуқий онги ўсиши динамикасини мониторинг қилишни таъминлашдир. Хукуқий онг эса хукуқий маданиятга асосланади. Хукуқий онг ва хукуқий маданият тушунчалари, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзаро узвий боғлиқ тушунчалардир.

**Хукуқий онг** — деганда, кишиларнинг хукуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек, хукуқ борасидаги тасавурларнинг инсон онгида акс этиши тушунилади. **Хукуқий мафкура** — ҳар хил хукуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, го ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат.

Хукуқий маданият бўлмаса, хукуқий онг ҳам бўлмайди. Хукуқий онг дегани бу — қонунларни фақат билишгина эмас, балки уларни изчил ижро этиш ҳамдир. Президентимиз уқтирганидек, «**Қонунлар сўзсиз бажариладиганига биз хукуқий давлат қуришимиз мумкин**» (13-том, 172-бет).

Шу маънода, «хукуқий онг» тушунчаси «хукуқий саводхонлик» тушунчасидан кенгроқдир. Хукуқий онг қонунларнинг ижросини ҳам ўз ичига олади. Демократик жамиятда қонунларнинг ижро этилиши билан бирга, қонунларга ҳурмат кўрсатилишини ҳам таъминлаш тақозо этилади. Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «**олдимизда турган барча го ва тўсиқларни энгши жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан курулго айланандиган куч — бу халқимизнинг хукуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, хукуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир. Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор**» (Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқдан, «Халқ сўзи», 2000 йил 8 декабрь).

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида биз шахс ва оиланинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг хукуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани туман маънодаги демократик хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарт сифатида белгилаб олди.

Уш, аҳолининг хукуқий онги ўсиши динамикасини қандай мониторинг қилиш мумкин? «Хукуқий онг», «хукуқий саводхонлик», «хукуқий маданият» тушунчаларини ўзига хос

пирганидек: «**Одамларимизда хукуқий онг, хукуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очиғини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-хукуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз... Бир сўз билан**

**Хукуқий онг уч мезонда ётади, булар — шахс, жамият, давлат. Ҳар қандай жамиятнинг белгилари жамият ва давлат, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан аниқланиши лозим. Давлат доирасида қонунларни бажариш шарт, жамиятда эса ахлоқий, маънавий кадриятларга амал қилиш лозим. Инсон жамиятнинг аъзоси сифатида маънавий-ахлоқий кадриятларни ҳисобга олиши зарур.**

айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-хукуқий ҳужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қайта қуриш, ўз ҳақ-хуққимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир. Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини аниқлаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргалликда қатъият билан кураш-моғимиз лозим» (7-том, 250-252-бетлар).

**Одамларнинг хукуқий онги даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш лозим.** Бу борадаги ишларни аҳоли хукуқий онгини юксалтириш масаласи қандай аҳамиятга эга, деган саволга жавоб излашдан бошлаганимиз. Яъни, аввало демократик жамият барпо этишда хукуқий онгнинг роли ва аҳамиятини аниқ тасаввур этиш керак.

**Хукуқий онгни юксалтириш вазифаси қайси органларга юклатилган ва бу мақсад бўйича бевосита ким масъул, қайси институтлар масъул эканини янада аниқлаштириш даркор.**

**Хукуқий онгни юксалтириш борасида амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳияти, қўлами, мундарижасини аниқлаш жуда муҳим.**

Энг муҳим масала: хукуқий саводхонлиқни қандай ташкил этиш лозим? Одамлар ўз хукуқий онгини юксалтириш учун қайси босқичларни ўтиши керак? Масалан, мактаб, лицей ва коллежнинг ҳар бир битирувчиси хукуқий билимларни қай даражада эгаллаган бўлиши шарт? Бунинг учун мактаб, лицей ва коллеж томонидан қандай ишлар амалга оширилиши керак? Яъни, ана шу таълим масканларида бу борада қандай мажбуриятлар юкланади? Агар улар ўз мажбуриятларини бажармаса, қандай чоралар кўриш

цей ва коллежларда дарс берадиган махсус хукуқшунос ўқитувчиларни тайёрлаш вазифасини киритиш, бу борада зарур методик қўлланмалар ишлаб чиқиш лозим.

Шуни ҳам тан олиш керакки, Фарб биздан юқори хукуқий онги билан ажралиб туради. Бизда кўпинча хукуқий онг деганда катталарни ҳурмат қилиш, урф-одат ва аъна-

ларга риоя этиш тушунилади. Аслида, хукуқий онг доғдалар билан ўрин алмашиши керак эмас.

Хукуқий онгни фақат дарсликлар орқали ўқитиб бўлмайди. Зотан, дарслик хукуқий билимларни беради, холос. Хукуқий онгни шакллантиришда «ирода», «ор-номус» каби тушунчаларга ҳам таяниш жоиз. Айни чоғда, хукуқий онг хукуқий билимларсиз шаклланмайди ва ривожланмайди.

Ҳар бир кишига шуни тушунириш лозимки, демократия сари йўл — бу фақат қонунларнинг сони билан эмас, балки уларнинг киши онгига нечоғлик синдиши билан белгиланади.

Хукуқий онг уч мезонда ётади, булар — шахс, жамият, давлат. Ҳар қандай жамиятнинг белгилари жамият ва давлат, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан аниқланиши лозим. Давлат доирасида қонунларни бажариш шарт, жамиятда эса ахлоқий, маънавий кадриятларга амал қилиш лозим. Инсон жамиятнинг аъзоси сифатида маънавий-ахлоқий кадриятларни ҳисобга олиши зарур. Шахснинг жамиятдаги ўрни маънавий кадриятларга, ахлоқий нормаларга ҳурмати билан ўлчанади.

Мухтасар айтганда, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: «**халқимиз хукуқий маданиятини юксалтириш давлат сийёсати даражасига кўтарилиши лозим... зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг хукуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-маънотини ҳал этишда катта хукуққа эгалик ҳам демекдир**» (6-том, 30-бет).

Акмал САИДОВ, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси



## ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ● ФАН ВА АМАЛИЁТ

## Илмий тадқиқотларнинг янги уфқлари

ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ ВА САМАРАЛИ ОЛИБ БОРИЛИШИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда энергоресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Технологик янгиликларни лойиҳаларида хорижий илм устунлари қаторида ўзимизнинг замонавий ишланмалар ҳам кенг қўлланилаётгани қувонарли ҳолдир.

Таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда юртимиз олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар, илмий изланиш ва улар асосида яратилган инновацион ишланмаларнинг қўлланилиши фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жадаллашуви, пировадарида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилаётган.

«UNICON.UZ» — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳам ўз олдига алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини янада ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, янги технологиялар жорий этишни мақсад қилган. Марказ директор ўринбосари Абдуносир Нигманов билан сўбатимиз ана шулар хусусида бўлди.

— Илм йўлини танлаган инсон борки, яратилган шароит ва имкониятдан оқилона фойдаланишга ва шу орқали фан-техника тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилади, — дейди сўбатдошимиз. — Биз ҳам ўз навбатида мамлакатимиз раҳбарининг илм-фан ривожига қаратаётган юксак эътибори, яратилган бекиёс имкониятларга жавобан соҳада бир қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришишни мақсад қилганмиз.

«UNICON.UZ» — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида энг йирик ва устувор илмий-тадқиқотлар олиб борувчи ташкилот ҳисобланади. Мустақилликнинг илк йиллариданок, яъни 1992 йили ушбу марказ бор-йўғи тўрт нафар ходим билан иш бошлаган. Бугунги кунга келиб 35 та таркибий бўлинмадан иборат ташкилотда 200 дан ортиқ ходим меҳнат қилади. Ташкилотнинг асосий вазифаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг замонавий норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, соҳани ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ва янги технологияларни жорий этишга қаратилган. Шу билан бирга «UNICON.UZ» ДУК норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотлар ўтказишнинг куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширади: янги авлод телекоммуникация тармоқлари, янги ахборот технологиялари ва хизматларини жорий қилиш; почта алоқаси; меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси; стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш; ахборот хавфсизлиги, криптография; радиоалоқа, радиодиагностика ва телевидение, электромагнит мослашув,

симсиз алоқа технологияларини жорий қилиш; ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги атамаларни давлат тилида ишлаб чиқиш ва жорий этиш; тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги тадқиқотлар.


## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

— Марказда тадқиқотчилар, ёш олимлар учун яратилган шарт-шароитлар, умуман, кадрлар масаласи қандай йўлга қўйилган?

— Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига илмий ва амалий педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида «UNICON.UZ» ДУКнинг 2010 йил 1 февралдаги 28-сон буйруғига асосан «2010-2015 йилларга мўлжалланган илмий кадрлар тайёрлаш бўйича истиқболли режаси» тасдиқланган. Сиз айтган масалада ана шу 28 банддан иборат мазкур режа асосида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Жорий йилдаги «UNICON.UZ» ДУКнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳам раҳбар, ҳам ижрочи сифатида иштирок этадиган хондларимизнинг 24 нафари номзодлик диссертацияси устида илмий иш олиб бормоқда. Уларга илмий диссертацияларини ёзишни назарий жиҳатдан ўрганишлари ва тажрибаларини оширишлари ҳамда тажрибаларини мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинди. Яъни, тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятини давом эттиришлари, фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда ва ўз мақолаларини марказда нашр этилаётган «Ахбороткоммуникация. Тармоқлар — Технолологиялар» илмий-техник журналларида чоп этишлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Бундан ташқари, ўз вақтида илмий ишларини бажараётган тадқиқотчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида оиллик маошларига қўшимча ҳақ тўлаб ҳам борилади.

Тезкор ва ўзгарувчан ахборот технологиялари билан ҳамнафас тарзда «UNICON.UZ» ДУК, Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа илмий ташкилотларда илмий ходим ва ёш мутахассисларнинг илмий тадқиқот ва техникавий ишланмаларнинг натижалари билан илмий жамоатчиликни таништириш, муҳокама ва мунозараларда кўтарилган масала, етуқ мутахассислар фикрлари асосида муаллифларга маслаҳат ва тақлифлар бериш, яратилган ишланмаларни такомил-



лаштириш мақсадида марказ қошида 2010 йилнинг 15 ноябрдан бошлаб «Алоқа ва ахборотлаштириш муаммолари» номи Бирлашган Илмий Семинар мунтазам равишда ўтказиб келинади.

Семинар мажлисларида «UNICON.UZ» ДУК, ТАТУ, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа ташкилотлар олимлари, етакчи мутахассислар, тадқиқотчилар ўз диссертация ишлари, илмий мақола ва ишланмалари ҳақидаги маърузалари билан иштирок этмоқдалар. Шу кунга қадар ўтган 8 та семинар мажлисида 6 та номзодлик диссертация ишлари, 5 та нашрга тайёрланган илмий мақолалар ҳамда 5 та бажарилган илмий тадқиқот ҳисоботлари ва натижалари муҳокама этилди. 2008 йилдан бошлаб ҳар йили илмий кадрларга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилмоқда. Унда марказнинг ёш олимлари ва мутахассислари ўз илмий маърузалари билан қатнашишмоқда.

Марказда илмий изланишлар олиб бораётган ходимлар учун илмий-техник ва илмий-педагогик китоблар, ҳар йили обуна бўлинадиган 40 турдаги илмий-техник даврий нашрларга эга кутубхона мавжуд. Шунингдек, марказ қошида мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг истиқболлари ёритилган музей ҳам барпо этилган.

## ЁШЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР

Марказ ўз ходимлари сафини ёш, етуқ кадрлар ҳисобига тўлдириш ва илмий ходимларни тайёрлашда ТАТУ ва бошқа ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Ҳозирги кунда «UNICON.UZ» ДУКнинг бир қатор иқтидорли ёш ходимлари ТАТУда, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида, профессор М.А. Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург Давлат телекоммуникациялар университетида таҳсил олишмоқда.

Мазкур марказнинг илмий ходимлари интеллектуал фаолият натижалари бўлган илмий асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур ва маълумотлар базаси, ихтиролар яра-

тишда фаол иш олиб бормоқда. Улар томонидан яратилган бир қанча электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаслари, ихтиролар ва фойдали моделлар учун Ўзбекистон Республикаси патент идорасининг патентлари ва муаллифлик гувоҳномалари олинган. Улар ўзларининг янгиликлари билан республика миқёсида ўтказиб келинаётган танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Бунинг яққол далили сифатида ҳар йили уюштирилаётган «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги соҳасидаги энг яхши ихтиро ва рационализаторлик иши» танловида марказ ходимлари фаоллик кўрсатиб, энг яхши ихтиро номинацияси бўйича биринчи ва иккинчи даражали диплом ҳамда пул мукофотини қўлга киритганликларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, инновацион соҳа билан боғлиқ халқаро миқёсдаги ярмаркаларда ҳам ходимларимиз иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлишмоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда марказда ахборот хавфсизлиги ва криптография ахборот технологиялари ва телекоммуникация йўналишида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Буларнинг натижасида хозирги кунда бир гуруҳ марказ ходимлари муаллифлигида патент идораси томонидан 6 та ихтиро учун патент ва 10 та муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олинди, 6 та ихтиро учун талабномалар топширилди. Юқоридаги йўналишлар бўйича бир қанча ўқув қўланмалар, китоблар чоп этилди ва стандартлар қабул қилинди.

Қолаверса, марказ томонидан бир қанча махсуслотлар ҳам тақдим этилади. Масалан, «HIMFAYL» — файлларни муҳофаза қилиш ва сақлаш тизими, электрон рақамли имзолар қилиш тизими рўйхатга олиш маркази, «E-Nijjat» — электрон ҳужжат айланиши тизими, «E-XAT» — муҳофаза қилинган электрон почта тизими ва электрон лўғатлар шулар жумласига қиради.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Марказ мутахассислари Халқаро электралоқа иттифоқи ва Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик каби халқаро ташкилотларнинг тадқиқот комиссиялари ва ишчи гуруҳлари ишида фаол иштирок этиб келмоқдалар. «UNICON.UZ» ДУК — Телекоммуникацияларнинг стандартлаштириш бўйича Европа институти (ETSI) ва Ҳужжатли электралоқа уюшмасининг (АДЭ) ассоциациялашган аъзосидир. Бундан ташқари, марказ хориждаги қатор нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Россиянинг Марказий алоқа илмий тадқиқот институти (ЦНИИС), Жанубий Кореянинг Электроника ва алоқа илмий-тадқиқот институти (ETRI), Германиянинг Карлсруэ Технологийлар институти (KIT) шулар жумласидандир.

Мафхуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Millyi tiklanish» мухбири

## ● ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мустақиллик йилларида юртимизда турли дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадр-иятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун мамлакатимизда ўн бешдан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатаётган. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган.

## Диний бағрикенглик

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ГАРОВИДИР

Бош қомусимиз — Конституциянинг 31-моддасида виждон эркинлиги ҳамма учун қаролатилганини, ҳар бир инсон хоҳлагани динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгалиги, диний қарашларнинг мажбурланганлигини алоҳида қаролатилганини, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган мақсад ҳар бир шахснинг эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилиши жараёнида Давлат қонуний асосда барча дин ва эътиқод қилувчиларга тенг имкониятлар яратиш берган. Диний ташкилотлар билан муносабатларнинг қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш негизида олиб борилаётгани эътиқод эркинли-

гини амалда таъминламоқда. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳам давр талабига мос равишда такомиллаштирилди. Давлатимиз диний ташкилотлар билан муносабатларини амалдаги қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб бормоқда. Шу билан бирга, улардан қонун олдидаги бурч ва мажбуриятлари бажарилиши ҳам талаб қилинади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларини биргаликда адо этиш мақсадида тузилган бирлашмалари диний ташкилотлар, деб эътироф этилади.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида адлия бошқармаси томонидан 178 та диний ташкилот давлат рўйхатига олинган бўлиб, улар қонун асосида фаолият кўрсатмоқда. Адлия бошқармасининг жамоат бирлаш-

малари ва диний ташкилотлар бўлими томонидан диний ташкилотлар низоомларини давлат рўйхатидан ўтказиш, устав фаолиятига амал қилишларини ўрганиш билан биргаликда уларга янги қонунларни тарғиб қилиш, диний ташкилотлар билан ҳолатларига ҳам эътибор қаратилмоқда, шунингдек, вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман диний ташкилотлар вакиллари адолатли ҳолатларига ҳам эътибор қаратилмоқда, вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман диний ташкилотлар вакиллари адолатли ҳолатларига ҳам эътибор қаратилмоқда, вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман диний ташкилотлар вакиллари адолатли ҳолатларига ҳам эътибор қаратилмоқда, вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман диний ташкилотлар вакиллари адолатли ҳолатларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Ш. ШЕРНАЗАРОВ, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бўйича бош маслаҳатчи

## ● ТАҚДИМОТ

## Санъат ёдгорлиги — муҳофазада

«Сурхон» давлат қўриқхонаси ҳудудида — Зараутсой деб номланган тарихий гўша мавжуд. Унинг қояларида бундан бир неча минг йил аввал асрдоқларимиз томонидан чизилган тасвирлар муҳрланган. Бу суратлар европаликларнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Тош асрда оид деб тахмин қилинаётган бу расмлар ҳақида кўп айтилади, ёзилди. Бироқ бугунги кунга келиб, Зараутсойдаги қадимий расмларни муҳофаза қилиш масаласи кун тартибига чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг қарорига кўра «Зараутсой ёдгорлиги атрофида экотуризм

учун шароит яратиш» лойиҳаси танловда ғолиб деб топилди. Термиз Археология музейида ана шу лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда таърихчилар, археологик олимлар, ўқитувчилар, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимот маросимида «За-

раут» жамоатчилиги маркази раҳбари Абдулла Холмирозоев мазкур санъат ёдгорлиги ҳақида йиғилганларга маълумот берди. Шундан сўнг мавзу юзасидан тарих фанлари номзоди Жалолиддин Мирзаев, Термиз Археология музейи директори Исмоил Ботиров, «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Орзукул Соатов, «Заря Сурхана» газетаси бош муҳаррири Гулбахор Тангирова, филология фанлари номзоди Болта Ёриев, «Жарқўтон» археология музейи илмий ходими Шодмон Валиев, фалсафа фанлари номзоди Ҳамро Эрматов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда тақлифларини билдиришди.

Махмуд АБУЛҒАЙЗ

## ● СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

## Ҳада шартномаси

УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ МУАММОЛАР

Уй-жой ҳада шартномаси қандай расмийлаштирилади. Келгусида ҳада қилувчи турли тушунмовчилик ва низолар туфайли шартномани бекор қилиш мумкинми?

С.АЛИМОВ, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида кўра ҳада шартномаси — бу бир тарафнинг (ҳада қилувчининг) бошқа тарафга (ҳада олувчи) ашёни текинга мулк қилиб бериши ёки бериш мажбуриятини олишдан иборат. Демак, уй-жой ҳада шартномасига кўра мулк эгаси, яъни жисмоний ёки юридик шахс ўзига тегишли бўлган кўчмас мулкнинг бир қисmini хоҳлагани шахсга ҳада қилиш ҳуқуқига эга. Ҳада шартномаси ўзаро келишувга асосланган иккиқлам битим ҳисобланади. Бундай келишув ҳада олувчининг унга тақлиф қилинган мулкнинг ҳуқуқини қабул қилишини назарда тутди. Ҳада шартномаси кўра қилувчининг вафотидан кейин топшириши назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳаққий эмасдир. Уй-жойларни ҳада шартномаси кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идора томонидан тасдиқланади ва давлат рўйхатидан


ўтказилган вақтдан бошлаб, қонуний қучга қиради. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 111, 112, 481-моддалари).

Нотариуслар томонидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот ишлари жараёнида бевосита ҳада шартномасини расмийлаштириш вақтида ҳада этувчи шартнома шартлари алоҳида тушунтирилади. Кейинчалик пушаймон бўлмаслик учун кўчмас мулкни бошқа шахсга пухта ўйлаб, аниқ бир қарорга келгангина, ҳада қилиш кераклиги ўқтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 507-моддасига асосан ҳада шартномаси фақат ҳада олувчи ҳада қилувчининг қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда, шунингдек, ҳада олувчи ҳада қилувчининг қасддан ўлдирган тақдирда ҳада қилувчининг ворислари томонидан ҳада бекор қилишга суд

тартибидан йўл қўйилади. Бундан ташқари, ҳада олувчининг ҳада қилинган мулкка нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳақида қилувчи ҳада бекор этилишини суд тартибидан талаб қилишга ҳақиқ.

Ҳозирги кунда ёши кекса мулк эгалари билан боғлиқ ҳада шартномаларини расмийлаштириш ҳам муаммоларга сабаб бўлмоқда. Чунки қарияларнинг кўнгли жуда нозик бўлиб, мулкни ҳада сифатида қўлга киритган айрим инсофсиз шахслар уларга нисбатан «ишим битди» қабилида йўл тутиб, қарияларга нисбатан яхши муомалада бўлмайди ёки уларга нисбатан эътиборсизроқ бўлиб қолишади. Бундан қўнгли ўксиган қария ҳада шартномасини бекор қилишга ҳаракат қилади. Кўчмас мулкни ҳада қилиш жараёнида ҳада қилувчининг муомалага лаёқати, ақл-заковати нотариус томонидан бевосита мулоқот жараёнида аниқланиб, мулк эгасининг муомалага лаёқатлигига ҳеч қандай шубҳа туғилмасда, кейинчалик унинг қандайдир тиббий ҳулосаларга асосан шартномани имзолаш жараёнида ўз ҳада қилиш кераклиги ўқтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 507-моддасига асосан ҳада шартномаси фақат ҳада олувчи ҳада қилувчининг қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда, шунингдек, ҳада олувчи ҳада қилувчининг қасддан ўлдирган тақдирда ҳада қилувчининг ворислари томонидан ҳада бекор қилишга суд

Абдурахмон ҚУРБОНОВ, Когон туман давлат нотариал идораси нотариуси



ТАХЛИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан йўрилган Конституциямизда, Миллий истиқлол ғоясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-киммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳаётимиздаги олий қадрият даражасига кўтарилди. Уқиш, муштарак вазифаси ҳисобланади. Ёшлар тарбияси қаерда сусат бўлса, бу иш қаерда ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, ўша ерда тарбия иши таназулга юз тутди, ёш, ҳаётий тажрибаси кам ёшлар турли ғаразли оқимларнинг таъсирига тушиб қолади. Американинг олим Ж.Фишманнинг таъкидлашича, социолог олимлар жиноий хатти-ҳаракатлар тарбия таълимдан устун туради, заифликларини миллий аъёнларга раёна қилиш султани ҳамда она тилининг қўлланилиши нисбатан камайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлишини аллақачон исботлаб берган эканлар. Бу исботни маънавий инкироздан дарак берувчи оғоҳлик кўнғироғи дейиш мумкин.

Халқимизда «Бола азиз, одоби ундан азиз», деган пурҳикмат мақол бор. Бу ибора инсон ҳаётида

Мамлакатимиз ёшлари Бош қомусимиз ва қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан, таълим-тарбия учун яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўзларини илм-фан, маданият, спорт, тадбиркорлик ва ишбилармонликда намоён этиб келаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Афсуски, истиқлол йилларида вояга етган янги авлоднинг бундай ютуқлари баъзи ғаразли кимсаларга ёқмайди. Бундай кучлар турли-туман йўллар билан ёшларимизни тўғри йўлдан оздиришга, маънавиятини бузишга, фикру хаёлиларини чағлатишга зўр бериб уринаётгани, маънавий-ахлоқий таҳдид воситаларидан фойдаланиб, фарзандларимиз онгини заҳарлашга ҳаракат қилаётгани сир эмас. Бундай таҳдидлар ёшларни тўғри йўллардан чалғитиб максатини кўзда тутди.

Маънавий таҳдид ва хуружларнинг барчаси ғайриинсоний, ғайриахлоқий моҳияти билан халқимиз маънавияти ва турмуш тарзига мутлақо ётди. Чунинчи, «оммавий маданият» никоби остида онгимизга, турмуш тарзимизга тиқиштирилаётган ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, тажовузкорлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари ортида, энг аввало, ғаламисликни ўзига касб қилиб олган айрим ташқи кучларнинг ўзга давлатларнинг ички ишларига, ўзга халқларнинг шахсий ҳаётига аралашши, уларга ўз «қадрият»ларини синдириши мақсади, миллат ва элларнинг неча минг йиллик миллий аъёна ва

урф-одатларини менсимаслик, диний туйғу ва эътиқодига беписандлик нияти ётади. Бу дунёда ҳар бир халқ ўзига хос ва мос тараққиёт дастурини, турмуш тарзини белгилашга, ўзи танлаган йўлдан юришга, тарих синовларидан ўтган урф-одатлари, миллий-маънавий қадриятларини келажак авлодларига мерос қилиб қолдиришга ҳақли. Бу ҳуқуқни бузиш, инкор қилиш ёки сохталаштиришга уриниш — маънавий тажовуздан ўзга нарса эмас. Ислом динида ҳам инсонларни ўзаро меҳр-оқибатга, яхшиликка, эзгу амалларга даъват этиш улуг фазилат ҳисобланади. Диний ва дунёвий ҳуқуқ масалалари бўйича етук аллома Бурхониддин Марғинойий ўз қарашларини инсонлар ўртасидаги тоғувлик ва ҳамжихатликни юқори баҳолаган. Унинг беназир «Ҳидоя» асариде одамлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солиш, диний бетартибликни келтириб чиқариш энг оғир жиноят эканлиги айтилган.

Шунга қарамай, нияти ғараз ва нопоқликдан иборат кучлар, уларнинг қўлида кўнғирок бўлиб қолган кимсалар башариётнинг ахлоқий қарашларига зид бўлган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини, инсон онгини заҳарлайдиган, меҳр-муруватни унутишга олиб келадиган воситаларни тарқатишга уринаётгани ташвишли ҳолдир. Бунда улар видео, аудио ва бошқа овоз ёзиш, тарқатиш воситаларидан, ёвузлиқни тарғиб қилувчи жангари фильмлардан, порнографик босма нашрлардан фойдаланишмоқдалар. Бундай номунорлик ҳаракатлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тоғувликка, ахил-иноқликка қарши қаратилган маънавий таҳдид эканлигини унутмаслигимиз ва бундай хуружларнинг олдини олиш учун ёшлар онгинда мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишиши. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказма олмайд».

М.АХМЕДОВ

Маънавий ҳаёт мезонлари

мизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодаладиган бир қатор эзгу миллий хусусиятларни, жумладан, халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуңлигини; жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслигини; ота-она, маҳаллақўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор; миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат; меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи — аёл зотиға эҳтиром; сабр-бардош ва меҳнатсеварлик; ҳалоллик, меҳр-оқибат каби фазилатларни ўзида ақс эттиради. Айни чоғда, бу мафкура қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфиқрлилик, турли миллат ва эл вакилларига, уларнинг миллий туйғулари ва диний эътиқодига ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни ҳам юксак даражада эътироф этади.

XVIII аср фикр намоёнаси Сўфи Оллоёр, диний қарашлари ва бошқа тафовутларидан қатъи назар, барча инсонларни ўзаро меҳр-оқибатга чақириб:

«Кел, эй мўмин, ҳамиша хуш инсон бўл, Ки инсон бўлса ҳар ким, меҳрибон бўл»,

деганида, халқимиз маънавий қадриятларининг яна бир кўриниши — бағрикенглик ва гўзал ҳулқ эгаси бўлишликни назарда тутган. Ана шундай умуминсоний қадриятларимиз, не бахтки, муштараклик шарофати билан турмуш тарзимиздан янада муштарак жой олди, ўзининг асл мавқеига қайтди.

Шуниси қувонarliки, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан қомил инсонлар қилиб тарбиялаш Президент Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилмаётган маънавий ислохотларнинг бош мақсадиға айланди. Шу боис, Ватанимизнинг эртаси, умиди ва ишончи бўлган азиз фарзандларимиз тарбияси учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Улар эртаға ҳар бир соҳада ота-оналари, устозлари бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишди, миллатимиз, юртимиз шарафини янада баланд чўқиларға кўтаришди.

Инсоният тарихида келгуиси авлодлар эътибор бериши ва қатъий амал қилиши зарур бўлган сабаблар жуда кўп. Улардан бири шуки, ёш авлод тарбиясини бир зум бўлсин ўз ҳолиға ташлаб қўйиб бўлмайди. Бир кунлик эътиборсизлик кейинчалик минг кунлик ташвишға сабаб бўлиши мумкин. Бу сабаб, айниқса бугун — глобаллашув шароитида, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё микёсида давом этаётган бир пайтда янада муҳим аҳамиятға эға. Бу иш наинки ҳар бир ота-

Халқимизда «Бола азиз, одоби ундан азиз», деган пурҳикмат мақол бор. Бу ибора инсон ҳаётида катта аҳамиятға эға эканини кўрсатиб турибди.

катта аҳамиятға эға эканини кўрсатиб турибди. Буюқ файласуф олим Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таълимдан устун туради, ган ва таълимға нисбатан эрта бошланадиган жараён эканини ўз вақтида исботлаб берган. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деганида минг бор ҳақ эди. «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариде таъкидланганидек: «Инсоннинг энг соғ ва покиза туйғуларини, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир».

Президентимизнинг мамлакатимизда таълим соҳасини ислох қилиш тўғрисидаги Фармон ва қарорлари, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинишидан қўзланган мақсад ҳам айни шу вазифаға қаратилган. Жамият таълим ва тарбияға эътибор берар экан, бу билан у, аввало, ўзининг маънавий-ахлоқий пойдеворини муштараклашди, ўсиб-улғаяётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланишини, уларнинг турли бузғунчи оқимларнинг ҳалокатли тўғриғи илбини қолмасликларини таъминлайди. Бу борада суштасликка йўл қўйилган жойда тузатиб бўлмас иллатлар уричи кетади.

Ёшлар қалбига Ватан туйғуси, ватанпарварлик руҳини синдириш маънавий тарбиянинг ўзаги ҳисобланади. Халқимиз минг йиллар давомида тарбиявий тамойиллар воситасида ўз фарзандларини она-Ватанни севишға, уни химоялаш, моддий ва маънавий бойликларини асраб-авайлашға, киндик қони тўкилган она-бешик билан гурурланишға даъват этиб келишган. Буюқ маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудий: «Дунёда турмуш учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларға поймол бўлур», деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг ҳаққаро майдонда эришаётган ютуқларидан ҳам билиб турибмиз.

МАЪНАВИЯТ



ХУНАРМАНДЛАР ОИЛАСИ

Юртимизда истиқлол йилларида хунармандчилик ривожини, уста хунармандларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришға алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришнинг янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони муҳим оим бўлаётир.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Янгиқилиқ қишлоғида яшовчи Машираб Файзиёва ва Феруза Худойкуловани кўпчилик хунарманд оила сифатида танийди. Оила бошлиғи моҳир кулол бўлса, рафикаси — каштачи. Улар яратган уй-рўзгор буюмлари, каштачилик маҳсулотлари бежиримлиги, бетакрорлиги билан кўпчилик эътиборига тушган. Жорий йилда Феруза Худойкулова «Меҳр нури» нодавлат-нотижорат жамоатчилик ҳайрия жамғармасининг бир ярим миллион сўмлик гранти асосида қишлоқ хотин-қизларини касаначилик асосида тикувчилик ва каштачилик ишларига жалб этди. Оилада фарзандлар ҳам хунармандликка меҳр қўйиб улғаймоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганидан буйён ҳар йили 21 октябрь — Тил байрами сифатида кенг нишонланиши Мирзо Ауғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўзига хос аъёнага айланган. Бу йилги байрамда муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади» деган ҳаётбахш сўзлари шиор қилиб олинди.

Миллат руҳининг ифодаси

Тадбирда таъкидланганидек, буюқ ажодимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг шоҳ сатрларидан олинган бир калом асрлар оша авлодлар қалбига ўзгача шукҳ бахш этиб келади: тилға эътибор — элға эътибор! Она тилимизға давлат тили мақоми берилиб, шу бебаҳо маънавий бойлигимиз аввало ўз юртимизда кадр топа бошлаганидан халқимиз қанчалик қувонган бўлса, юртимиз истиқлоли шарофати ила у жаҳон узра жаранглаётгани бугунги ёш авлод қалбига янада улканроқ ифтихор туйғусини жўш урдирди. Бугун ўзбек тилининг мавқеи жаҳонда ҳам буй кўрсатмоқда! Бунини турли давлатларда ўтказилаётган спорт мусобақалари ва халқаро анжуманларда республикамиз мадҳияси ҳам жаранглаётганида яна бир бора дилдан хис этамиз.

Тил — дил қалити, деган пурҳикмат гап бор. Бугунги глобаллашув жараёнида биз аввало она тилимизни пухта билишимиз, таъбир жоиз бўлса, уни ўз онамиз каби эъзозлашимиз лозим. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида қайд этилганидек, «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она тили, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир».

Бугун шуни фаҳр билан айтишимиз мумкинки, давлат тили мақомиға эға бўлган ўзбек тили муштарак давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституциясини қаторида турадиган, қонун йўли билан химоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бириға айланган.

Юртимиз истиқлоли берган шунча маънавий неъматлари беқийёс имкониятлардан қанчалик самарали фойдаланиш эса энди ҳар бир ёшнинг ўзига боғлиқ. Она тилимиз чинакам дил қалити бўлса, халқаро тилларни ҳам пухта ўзлаштириш орқали биз ўзбекона маънавий сарҳашамларимиздан бутун жаҳонни баҳраманд этамиз. Бу билан юртимиз дунё билан чинакам бўйлашмишға ўз хиссамизни қўшиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ҳам намоён этаверамиз. Шу ўринда буюқ маърифатпарвар бобоимиз Абдулла Авлонийнинг қуйидаги сўзлари ёдға тушади: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур».

Анжуманда иштирок этган бир гуруҳ иждоқкорлар она тилимизға бағишланган шеърларидан ўқиб бердилар. Аъёнаға кўра, она-Ватан, миллий қадриятларимизни тараннум этувчи куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар байрамға ўзгача шукҳ бахш этди.

Азиза УСМОНОВА, Даврон ОРИПОВ, ЎЗМУ талабалари

КЎРГАЗМА

Сонияға муҳрланган лаҳзалар

Санъат шундай бир жозибак, уни кўришдан кўра илғаш, сезиш муҳим. У шундай эскилик, ранглар басма-бас товганиб кишини ҳаётға янада теранроқ қарашға ундайди.

Фото санъати унчалик узок ўтмишға эға бўлмаса-да, бугунги кунда бошқа санъат турлари қатори ривожланиб, борган сари унинг янгидан-янги қирралари кашф этилмоқда. Юртимизда мазкур йўналишда етишиб чиқаётган ёшларнинг ақсарияти етакчи фоторассомлар Искандар Содиков, Михаил Левкович ва Хасан Файзиёвлардан сабоқ олишмоқда. Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этилган фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг хисобот кўргазмаси ҳам бу йўналишда ижод қила бошлаган ёш истеъдодларнинг илк ишланмаларидир.

Кўргазмага қўйилган юздан ортиқ турли жанрлардаги суратлар савия жиҳатдан ўзига хос мазмун ақс этиб, унда кутилмаган ечим, услуб ранг-баранглиги етакчилик қилди. Оқ-қора, рангли, манзара ва натюрморт, психологик портрет, репортаж ҳамда феишон-фотографияларидан иборат суратларда ёшликка хос дадиллик, ғайрат ва шижоатни кўриш мумкин. Ёш муаллифларнинг тасвир қатиға жойлаштирган ҳолатларида борлиқ ва ҳаёт манзаралари ўз ифодасини толган. Болакайларнинг бебаҳо олами шу қадар табиий чиққанки, унга беихтиёр термулиб қоласан киши. Масалан, А.Пўлатхўжаевнинг «Номсиз» туркумидаги суратларда гўзалликни ҳис этсангиз, М.Прохорованинг «Тошкендаги киш» суратида ёғаётган қорни музлаган дераза орқали ўйчанлик билан қузатаётган қария эътиборингизни тортади. А.Нуралиев, Ю.Булгакова, Е.Юсупова, Х.Виктория, Г.Далемованинг расмларида оддий ҳаёт манзаралари жонланса, Н.Фаттоҳ асарларида беозор жониворларнинг ўзига хос дунёсини, М.Кармимитсин графикаларида эса ҳар бир инсон учун ўзгача кадр-қимматға эға буюмлар хотираси сизни ҳаёлот уммонига фарқ этгандек бўлади.

— Менға бу фаолият жуда ёқди, сабаби унда баъзан бошқалар кўрмаган, сезмаган кичик воқеа ва ҳолатларни илғаш, уни суратларға муҳрлаб қўйиш имконияти бор, — дейди Фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиси Комила Абдусаматова. — Тенгдошларим қатори менинг ҳам бир қатор суратларим намоишға қўйилди. Уларда асосан Испания шаҳарларидан олган таассуротларим, у ернинг бетакрор табиати ва одамлари ҳақидаги лавҳаларим тақдим этилди. Флоренция, Фарселона шаҳарларидаги марказий кўчаларда сузиб юрган қайиқлар, ажойиб иқлими менда илқ хотиралар қолдирди ва уларни томошабинлар билан баҳам кўришни лозим топдим. Келажакдаги орзумини фото санъатини янада яхшироқ ўрганиш ҳамда янги суратлар билан халқаро кўргазмаларда иштирок этиш.

Қизил зал бўйлаб намоиш этилаётган фотосуратлар томошабинларға ажиб бир эстетик завқ бағишлаб, уларни ёш фотографиялар авлоди билан яқиндан таништириши шубҳасиз.

Наргиза АСАДОВА

**ЖАРАЁН**

Фаргона вилояти Қўқон шаҳридаги «Индорама Қўқон текстиль» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси ўзининг иқтисодий салоҳияти, юқори сифатли маҳсулотлари, малакали кадрлари билан ҳудуд саноати ривожига муҳим ўрни тутадиган субъектлардан бири.

Мазкур корхонада умумий қиймати 43 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳа асосида пахта толасидан халқаро стандартларга мос йиғирилган иш

чиқарилмоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган ва 300 киши иш билан таъминланган корхонада бир йилда 10 минг тоннагача пахтани қайта ишлаш имконияти мавжуд. Корхона маҳсулотлари ташқи бозорда тобора харидоригир бўлиб бораётган. Маҳсулотлар Испания, Бельгия, Франция, Италия, Туркия, Бразилия, Аргентина, Перу, Венесуэла, Доминикан Республикаси ва Бангладеш каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

**● БАНК ХИЗМАТИ****“Асака” банк — тадбиркорга мададкор**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришни таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг билан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.**

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш маданийти ошириш мақсадида алоҳида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. “Тадбиркорлар хонаси”да банкнинг юқори малакали мутахассислари кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга, уларни қизиқтирган барча масалалар юзасидан тўлақонли тушунтиришлар бериб, мижозларни барча саволлари ва муаммоларини қисқа муддатларда хал қилмоқдалар.

“Тадбиркорлар хонаси” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фойдаланишлари учун барча зарурий техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган.

Шу билан биргаликда филиалдаги барча мини банкларда ҳам тадбиркорлар бурчаги ташкил этилган бўлиб, мунтазам равишда тадбиркорлар фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан бойитилиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, хусусан, Шайхонтоҳур тумани аҳолиси ва кичик бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида филиал таркибиде 3 та мини банк, 1 та махсус касса, 57 та жамғарма ва коммунал тўлов кассалари фаолият юритмоқда.

Банк филиали юқорида қайд этилган мини банк, махсус, жамғарма кассалар ва коммунал тўлов кассалари орқали мижозларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Жорий йил 1 октябрь ҳолатига филиал активлари миқдори 110,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,2 млрд. сўмга ўсди. Филиал кредит портфели 94,4 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан узоқ муддатга берилган кредитлар 84,7 млрд. сўмни ёки кредит портфелининг 89,7 фоизини ташкил этди.

Филиал томонидан 2011 йилда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга миллий валютада жами 31 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди ва бунинг натижасида 569 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 800,0 млн. сўм, 2009 йил 28 январдаги «Ноозик-овқат товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва

ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 15,0 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан филиал томонидан тадбиркор аёлларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида 4,3 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди.

Филиал томонидан ресурс базасини ошириш, жалб этилган пул маблағларини асосан иқтисодиётнинг реал секторига фаолият кўрсатаётган, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга сафарбар қилиш мақсадида аҳоли ва ҳўжалик юришчи субъектларининг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларидеги аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан банклардаги омонатларга қўйилган аҳолининг бўш пул маблағлари ва олимпиадан даромадлари барча турдаги солиқлардан озод этилганлиги, маблағларни чекловларсиз тасаруф этиш ҳуқуқининг берилиши каби қулай имконият ва имтиёзларнинг яратилгани аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида “Асака” банкнинг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур филиали томонидан ҳозирги кунда аҳоли эътиборига 82 та миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилиши янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида миллий ва хорижий валютадаги 12 та янги омонат турлари жорий этилди.

Жумладан, сақлаш муддати турлича ва фоиз даромадлари юқори бўлган омонатлар сира-сирани «Тухфа», «Барқарор-1», «Баҳорги-1», «Сармоя», «Тадбиркор», «Даромадли-1», «Самарали», «Ешларга», «Талабалар учун», «Файзли-1», «Эҳтиром» каби ва бошқа омонатларни киритиш мумкин.

Мазкур омонатлар ўзининг қулай шартларга эгаллиги билан кўплаб мижозлар қизиқаришга йўл очмоқда.

Миллий ва хорижий валюта-лардаги омонатлар ҳамда пластик картчалар эгалари сонини тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги банк хизматлар бозорига банкнинг тўғри маркетинг сиёсатини олиб бораётганлигидан далолат беради.

Миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатлари қолдиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 млрд. сўмга ўсиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига 16,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик картчалар ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрнатилиши кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда филиал томонидан жами 30889 дона сўм пластик картчалари муомалага чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 2940 донага оширилди таъминланди.

Пластик картчалар орқали ўтказилган транзакциялар миқдори 16,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса аҳолининг банк пластик картчаларига бўлган ишончини янада ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Филиал сўм пластик картчаларини муомалага чиқаришни бошлагандан буён корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича фаол ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозирги кунга келиб банк томонидан жами 363 дан ортиқ иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 16,5 миңдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик картчалар орқали амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўп хизмат сафарларига чиқадиган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига банк хизматларидан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан корпо-

ратив пластик картчалар жорий этилган бўлиб, ушбу хизматдан 77 нафар банк мижозлари фойдаланмоқда.

Филиал томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳри ҳудудига фаолият кўрсатаётган мижозларга жами бўлиб 312 та ҳисоб-китоб терминаллари, шу жумладан, 296 та савдо ва валюта, 16 та коммунал ва касса терминаллари ўрнатилди.

Бундан ташқари, филиал томонидан мижозларга берилган савдо терминалларининг қулайлик тарафларидан бири, бу фаолият жойидан узоқлашмаган ҳолда телефон тармоғи орқали инкассация, яъни савдо қилинган маблағларни банкдаги ҳисоб варрағига тўғридан-тўғри тушириш имконини беради. Бу эса мижозларга вақтдан тежаш имкониятларини яратмоқда.

Банк мижозларига янада қулайлик яратиш мақсадида филиал томонидан инфокиоск ва банкомат ўрнатилди.

Инфокиоскда аҳоли ўз ҳисоб рақамидеги пул маблағларини пластик картчаларга юклаб, у орқали коммунал, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштироки-сиз ва ҳеч қандай қўғозбозликларсиз амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, аҳолига хизмат кўрсатиш сифат даражасини янада оширишда филиалга қарашли бўлган барча мини банк, жамғарма ва махсус кассаларга ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган. Ушбу мини банклар аҳоли гавжум жойларда жойлашган бўлиб, пластик картчалар орқали барча турдаги тўловларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Аҳолининг коммунал тўловларини қабул-қилиш шаҳобчаларида пластик картчалар орқали ҳозирги кунда автосаноат тизимига кирувчи бир қанча йирик ва бошқа корхоналарга иш ҳақи лойиҳалари асосида ишчи-ҳодимлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар амалга оширилмоқда. Ишчи-ҳодимларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу корхоналарга банк томонидан ҳисоб рақамлардаги маблағларни пластик картчаларга ўтказиш учун терминаллар ўрнатилган бўлиб, кенг қамровда ишлатилиб келинмоқда.

**«Асака» банк Шайхонтоҳур филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда бошқа мижозларга кўрсатилаётган хизматлар турларини қўлайтиришга ва сифатини яхшилаш бўйича олиб бораётган ишларини янада фаолаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.**

**Банк Ахборот хизмати**

**● МУТОЛАА****Икки дил достони**

**Халқимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаевнинг Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган “Қисматим” сарлавҳали китобини қўлга олганда ўйлаиб қолдим. Нега энди “Қисматим”? Бу сўз инсон бошига тушган кўргуликларни, ҳаётдаги аччиқ тақдирни ифодалар эди-ку. Узоқ йиллардан буён эл назариде бўлган, қаерга борса, катта ҳурмат билан кутиб олинмаган инсон нега босиб ўтган йўлни дафъатан бундай атабди?**

Китобни мутолаа қилар эканман, муаллиф ҳақ эканлигига ишона бошладим. Лутфулла Саъдуллаевнинг актёр сифатидаги энг биринчи салмоқли роли — Берди образи Хидир Деряевнинг “Қисмат” асари асосида ишланган телеспектаклда намён бўлганди. Бошқача қилиб айтганда, айнан “Қисмат” телеспектакли Лутфулла Саъдуллаевни кашф этганди. Худди шу спектаклда Узужамол роли орқали ўзбек саҳна санъатига кириб келган Гулчехра Зуфарова кейинчалик Лутфулла Саъдуллаев тимсолида ҳаётдаги бахтини топганди. Ким билсин, ўшанда “Қисмат” қўйилмаганда бу гаплар қаёқда эди...

“Қисматим” фақат китоб муаллифининг бошидан кечирган воқеалардангина иборат эмас. Унда ҳам ҳаётда, ҳам саҳнада бирга оидим ташлаган Гулчехра Саъдуллаеванин хам ҳаяжон ва муваффақиятлари, қувонч ва ташвишлари қаламга олинган. Ифодали қилиб айтганда, икки дил достони.

Бадий ижоднинг мемуар — эсдаликлар жанрига мансуб бу китобни мароқ билан ўқийсиз. Чунки унда ортиқча тафсилотлар, бир ёқлама фикрлар йўқ. Муаллиф ўз ижодига ҳушёр назар ташлайди, имкон қадар холис фикрларга таянади. Бир қарашда Лутфулла ва Гулчехра Саъдуллаевлар ижоди, санъатда эришган чўққилари ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда рўй берди. Китобни ўқир экансиз, саҳна ортида ҳам қизиқ ҳаёт борлигига, драма атрофида драматик воқеалар рўй берганига ишонч ҳосил қиласиз. Кимларнингдир назариде ўйин-кулгу ичида ўтадиган умр изтироб ва ҳаяжонларга бой эканлигини ҳис қиласиз.

Ҳаётини ва касбий тажриба йиллар мобайнида мисқолаб йиғилди. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр”, деганларидек, бу икки санъаткор хам қарийиб ярим асрлик ижод гулшанида кўп нарсанинг гувоҳи бўлишди. “Қисматим” китоби, таъбир жоиз бўлса, ана шу ҳаёт йўли ҳақида ўзига хос ижодий ҳисобот бўлибди.

Иккала санъаткор ҳам ёрқин сиймоларни яратиш орқали халқимиз қалбига муҳрлашганини рост. Лекин бу даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмаган экан. Биргина театрда режиссёр томонидан роль олишнинг ўзи қанчалик ҳаяжонларга сабаб бўларкан. Уша роли ишонарли олиб чиқиш, томошбин қалбига таъсир этишнинг ўзи бўлмайди. Бундай ҳолатларда актёр ролини орақдан, берилиб ўйнади, дейишди. Тилимиз бой ва таъсирчан. Менинг назаримда, томошбинни ишонтириш роль ўйнаган санъаткорга нисбатан ўзини самимий тутди, деб айтса йўқли бўлур эди.

Лутфулла Саъдуллаевнинг китобини ҳам самимий сатрлардан иборат. Уни варақлар экансиз, бугунги санъаткорларимиз қанчалик юксак тафаккурга эришганларига, маънавийат жаҳасида муносиб ўрин эгаллаганиликларига ишонч ҳосил қиласиз.

Муаллифининг мана бу фикрларига эътибор қилинг: «Санъатнинг олами кенг. Унинг дунёси — поклик, латофат, ҳурлик ва кўп қиррали билимдонликдир. Санъатнинг жони — ишонтиришда. У санъаткордан истеъдод ва маҳоратни талаб этади. Хонанда қалбларни мусавфолоб, ғазалнинг юзидеги пардани очди ва унинг жамолни халққа кўрсатади; раққоса рақс ташаббатанда, бутун олам ўйнаётгандай бўлиши табиий; бастакор куй билан манзара чизади; мусавир гўзаллик хазинасини барпо этса, меъмор ўзи қурган биноларда куйни қотириб қўяди; қизиқчилик ҳам бир санъат, яъни бирвиннинг иллати устидан кула билиш осон иш эмас; актёр ва актриса эса гапга либос кийдирувчи, ке-

рак бўлганда ечинтирувчидир, у ўз жисмидан янги инсон ясай олади. Ҳаёт ранглари унинг қалбиде акс этиб туриши керак».

Бундай ҳаётини хулосаларга келиш учун муаллиф чин маънода санъатнинг паст-балаңд йўллари-ни пиёда босиб ўтиши керак. Саъдуллаевлар сулоласининг эса бутун ҳаётини санъат ичида кечмоқда, санъат билан нафас олмақда.

Нафақат саҳнада образ яратиш, айна пайтда инсоний муносабатлар, томошабинлар меҳри ҳам санъаткор ижодига таъсир этувчи омиллардир. Шу маънода ўзбек миллий драма театрининг актриса Раъно Ярашеванин бенифисига бағишланган боб бениҳоя таъсирчан чиққан. Бугун санъат соҳасида ўз ўрнини топган Раъно Ярашева қачонлардир Гулчехра Саъдуллаеванин Телевизион орқали ўйнаган ролига мафтун бўлиб, шу соҳани танлагани ва ҳаётининг шу манзилда устозига таъзим қилиши чинакам эътироф рамзидир. Бейхитёр ўйлайсиз: Раъно Ярашева ҳеч нарса билмагандай тадбирини ўз ҳолига қўйиб қўйиши мумкинмиди? Устозга эҳтиром кўрсатиш, уни улуғлаш, аслида, шоғирдиннинг қадрини юксалтиради. Санъаткорларимиз орасида шундай самимий муҳит яратилгани қандай яхши!

Китобнинг бир боби “Театрсиэ яшай олмайсиз” деб аталади. Унда санъаткорнинг халқ олдидеги бурчи, театр ибратхона эканлиги уқтирилади. “Кўйилмаётган театр асари, - деб ёзади муаллиф, — ҳаётнинг бир парчаси бўлса, ундаги ҳар битта образ актёрнинг қалб мулкидир. Образ эса ҳаётнинг қалбидеги акс-садо-си. Халқимиз бугунги бахтли турмушга, истиқлолга эришгунча жуда узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Қўлаб саҳна асарларимиз бунга мисолдир. Халқ ўзининг орау-армонларини, ғам-ғуссаларини, қувончу-шодликларини саҳна воситасида ифодалаган, ташвиш ва изтиробларини драма, комедия, трагик комедиялар орқали авлоддан-авлодга етказган, томоша билан ўзини юпатган ҳамда дилига таскин излаган. Ҳар бир халқнинг театри санъати ўша халқнинг юраги, қалби, юзи деб бежиз айтилмаган».

Асар муаллифи ўз касб масъулиятини ҳақида фикрларини билдирар экан, бейхитёр кўпчиликка ибрат бўлгудек дурдона сўзларни қўроғоза туширади. Ана уларнинг айримлари:

Актёр — ҳаммамнинг юрагига яқин одам. Шунинг учун ҳам у юракка яқин образларни яратиши керак. Театрнинг маънавий ўчоғи дейишди. Маънавийини эса инсон қалбига болалик пайтида сингдириш лозим. Чунки келажакда маънавий баркамол авлодлар яратили.

Саҳнада катта ёки кичик роль деган гап йўқ. Хоҳ катта, хоҳ кичик роль бўлсин, унга катта мазмун сиздире билиш, кичик образдан катта маъно чиқара олиш актёрнинг маҳоратига боғлиқ.

Ишқли ва истеъдодли одамларгагина санъат асарларини яратадилар.

Ҳар бир кишининг ўз туғилиб ўсган макони бўлади ва у шу маконни жонидан ортиқ сўяди. Киши жаннатмакон, хайратомуз мамлакатларга кетса-да, бирпасда эерикиб, яна ўз тупроғига қайтиб келади.

Сўнгги келтирилган иқтибос актёримизнинг Ҳиндистонга бориб, юрак операциясидан қайтаётган лаҳзаларда туғилган хиссиётлар. Очиғи, Лутфулла Саъдуллаевнинг муҳлисари ана шу сафар ҳақидаги хикояни алоҳида ҳаяжон билан ўқишди. Сиз ҳам қизиқяйсизми? Унда “Қисматим” китобини ўқинг. Асло зерикмайсиз.

**Шўҳрат ЖАББОРОВ**


# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



● **БИЗНИНГ ШАРҲ**

## Зилзилани башорат қилиш қийин

**ЗИЛЗИЛА КУННИНГ ИСТАЛГАН ВАҚТИДА РҲЙ БЕРИШИ МУМКИН. ШУ ЖИҲАТДАН МИНТАҚАЛАРДА ҲАР ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШОШМА-ШОШАРЛИК, ЎЗБИЛАРМОНЛИККА ЙЎЛ ҚҲЙИБ БЎЛМАЙДИ**



Зилзила энг даҳшатли табиий ҳалокатлардан бўлиб, олимлар қанчалик уринмасин, унинг қаерда, қайси муддатда содир бўлишини олдиндан аниқ айтиши қийин бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 11 мартинда Японияда содир бўлган 9 балли зилзила ва цунами, ўтган йил Гаитидаги кучли ер силкиниши бунга мисол бўла олади. Туркияда жорий йилнинг 23 октябрь кунини маҳаллий вақт билан 13 дан 40 дақиқа ўтганда Эррон билан чегарадош Ван вилоятида 6,6 баллга тенг кучли зилзила қайд этилди.

кўпроқ тоғли худудларда, вулқон ҳаракатга келган чоғда учрайди. Океанда зилзила юз берган пайтда марказда ҳосил бўлган кучли сув тўлкини соатига ўртача 800 километр тезликда ҳаракатланади. Натижада 10-15 метр баландликдаги цунами соҳилбўйи худудларига мисли кўрилмаган даражада қирон келтиради.

Мутахассислар кучли зилзилалар содир бўладиган минтақаларни сейсмик жиҳатдан иккита асосий худудга бўлишади: булар географик кенглик йўналишида

Альп, Карпат, Кавказ, Копендог, Тяньшан, Помир, Ҳимолай ва иккинчиси, меридионал йўналишда Тинч океанининг икки қирғоғи ва қисман қуруқлик минтақаларида сайёраимиздаги зилзилаларнинг қарийб 80 фоизи содир бўлади. Бундай сейсмик фаоллашган жойларга Жанубий Америкадан Антарктидагача, Европа ва Осиё қитъасининг Жанубий қисми, Марказий ва Ғарбий Африка, Австралия худудлари кирди. Демак, Марказий Осиё унинг сейсмик жиҳатдан фаол бўлган Копендог, Тяньшан, Помир тоғлари тўғрисида сейсмик фаол минтақага кирди.

Илмий манбаларда қайд этилишича, сайёраимизда йилга Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7 га тенг бўлган ер қирқинчилаш 20 марта, 6 баллига 100 марта, 5 лиги 3 минг марта содир бўлади. Магнитудаси 3 га тенг силкинишлар 100 мингдан ортади, 1 ва 2 ликлари эса кунига 8 минг марта содир бўлади. Инсониятнинг бахти шундаки, ерости силкинишларининг деярли 90 фоизи денгиз ва уммон тубларида содир бўлади.

Ер шарида содир бўладиган зилзилалар сони йил давомида бир неча юз мингга етиши мумкин. Шундан халқ хўжалигига зарар етказадиган зилзилалар эса бир неча юзта ташкил этади. Сайёраимизда ўртача ҳисобда ҳар 800 одамдан бири зилзила қурбони бўлади ва бундан ўн маротаба кўп одам турли даражада зарар кўради. Олимларнинг зилзиладан сўнг тадқиқот сифатида ўтказган сўровномаларига кўра, аҳоли кучли силкинишлар давомидаги 30-40 сония давр баҳолаган. Аслида улар 5-7 сония давом этади. Тиббиётчиларнинг фикрича, айнан инсон танасидаги юқори сезгирлик нафақат зилзила, балки бошқа табиий офатлар, дейлик тебранишлар кўламига ортиқча баҳо берилишига сабаб бўлади.

Зилзилани аввалдан башорат қилиш жаҳон олимлари олдида турган жиддий муаммодир. Лекин умид учкунлари ўчгани йўқ. Мутахассисларнинг фикрича,

Азимжон ПЎЛАТОВ

**Зилзила энергияси 100 килотонналик ўлчамдаги атом бомбасидан бир неча миллион баробар кучлиги аниқланган. Минг килотонна — 1 минг 18 эрг. лигини ҳисобга оладиган бўлсак, Ашхободда рўй берган ер силкинишида (1948) 1023 эрг, Тожикистоннинг Хаит туманида (1949) 1024 эрг, Чилида (1960) 1025 эрг миқдоридан энергия ажралиб чиққан. Дунё миқёсидаги бу кўрсаткич ўртача 1026 эргни ташкил этаётир. Сейсмик тўлқинларнинг зилзила марказидан ер юзасига кўтарилиши жараёни махсус асбоб — сейсмограф назаридан четда қолмайди. Ёзиб олинадиган сейсмограммалар орқали зилзила магнитудаси ва манзилни аниқлаш мумкин бўлади.**

● **РАНГИН ДУНЁ**

Ўтган асрнинг 70-йиллардаги илмий-оммабоп нашрларда ЭҲМ нечоғли ақлли бўлмасин, барибир шахмат ўйинида инсонга тенг кела олмайди, деган бандларнинг гаплар кўп эдиларди. Аммо, 1997 йили IBM компаниясининг мутахассислари томонидан яратилган Deep Blue компютери кимсан жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни доғда қолдирган. Демак, машиналар биз ўйлагандан-да тезроқ ривожланимоқда. Албатта, шахмат ўйинида устулик қилгани билан компютер инсонга қараганда зўр фикрлай олади, деб бўлмайди. Сабаби, компютерни инсон яратган. Шу маънода инсон юксак интеллектга эгаллиги билан фахрлана олади.

Мана бир неча йиллардан буён олимлар машиналар фикрлай оладими-йўқми, деган гипотеза устида баҳс-мунозаралар олиб боришмоқда. Шундай мунозаралар чоғида "супер интеллект" иборасига изоҳ бериш масаласи кўрилган. Бундан ташқари, "фикрлаш" деганда аввало нима тушунилади, автоматлаштириш қаерда тугайдию онг қаерда бошланади, интеллект ўзи нима, уни сунъийлаштириш мумкинми, деган саволлар бугунги давр мутахассисларининг оромини ўғирлаган.


**ИНСОН АСИРИ**

Стенфордс университетининг 29 ёшли доценти Жон Маккарти 1956 йили Дармут мактабидан ўтказилган семинар чоғида илк бор "сунъий интел-

лект" иборасини қўллаган. Шунда Рокфеллер фонди Жонга ақлли компютер яратиши учун катта миқдорда пул ажратди. Google, Sony, SIAL, CYC компанияси мутахассислари ҳам бир неча йиллардан бери сунъий интеллект яратиш бўйича олиб борилаётган тадқиқот натижаларини омма эътиборига ҳавола этиб келишмоқда. 2007 йилнинг ноябрь ойида IBM компанияси ҳамда Швейцариянинг Лозанна техника институти "Ҳаво ранг мия" номли лойиҳа асосида инсон миясининг компютерлаштирилган моделини яратиш устида тажрибалар ўтказилаётганини айтишган эди. Шунингдек, ҳозирда сичкон миясининг ана шундай нусхаси яратилганини ҳам маълум қилишган. Айтишларича, инсон миясининг виртуал моделини яратиш устидаги тадқиқотлари тахминан 2020 йил ниятига етиши керак. Бир нарсасига аниқлик киритиш лозим. Олимлар онгни моделлаштиришмоқчи эмас. Мутахассисларнинг фикрича, онг ўз-ўзидан шаклланиши керак. Шу боис, моделлаштиришнинг муваффақи-

## Сунъий интеллект

ИНСОНИАТНИНГ БУОК ИХТИРОСИ



ят келтириши тўғрисида олдиндан бир нима дейишга манамаман деган олим ҳам жазм этолмаслиги аниқ.

2008 йилнинг август ойида Сан-Францискода бўлиб ўтган компютер техникаси ишлаб чиқарувчилар форумида Intel корпорациясининг директори Жастин Раттнер "яқинда компютер интеллект бўйича нафақат инсонга етиб олади, балки ундан ўзиб кетиши ҳам мумкин", деган башоратомуз гапни айтган эди: "40 йил аввал ахборот технологиялари шиддат билан илгарилаб кетиши хаёлимизга ҳам келмаган эди. Фикримизча, компютерларнинг "онги" инсон имкониятларидан ўзиб кетишига оз қолди."

Жастин ўз башоратида тахминан 2050 йилни назарда тутган. Сўзининг исботи учун у икки роботни омма эътиборига ҳавола этади. Роботнинг бири кўзига ўрнатилган видеокамера ёрдамида кўрган нарсаси ҳақида маълумот бера олса, иккинчиси инсоннинг юз-кўзидан унинг ички кечинмаларини пайқай олишини намоён қилган.

**ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ**

Америкалик тадқиқотчи олим Рей Курцвейлнинг айтишича, инсонга хос ҳиссиётга эга сунъий интеллект 2029 йилдаёқ пайдо бўлиши мумкин. Унинг ҳамкасби, футуролог Жеймс Мар-

тин эса инсон интеллектдан ўзгача "супер он" яқин ўн йилликда яратилишини фарз қилмоқда. Аксарият мутахассислар эса кўпроқ Жеймснинг башоратига ишониш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Негаки, шу кунгача унинг барча башоратлари деярли рўёбга чиққан. Олимларнинг фикрича, унга ишониш учун яна бир жиддий асос бор. Инсоният онги эволюцияси ривожланишдан тўхтамаган бир пайтда "компютер онги" эволюцияси ҳам шиддат билан шаклланимоқда. 1965 йилда Intel компанияси асосчиси Гордон Мур томонидан яратилган Мур қонуни ҳақида ўз кучини йўқотгани йўқ. Ушбу қонунга кўра, компютер ишлаб чиқариш 1,5-2 йил ичида

**Янги аъзо**

Озарбойжон БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо бўлди. Душанба кунини Озарбойжон БМТ Хавфсизлик кенгашининг вақтинчалик аъзоси мактабини қўлга киритди. Бу ўринга давгогар Словения курашдан воз кечгач, Озарбойжон 155 овоз билан ушбу макомга муносиб деб топилган. Ўтган жума кунини Покистон, Марокко, Гватемала ва Того ҳам БМТ Хавфсизлик кенгашининг вақтинчалик аъзолигига қабул қилинган эди.



**Юқори кўрсаткич**

Киршнер Аргентина президентлигига қайта сайланган. Аргентинанинг амалдаги президенти Кристина Фернандес де Киршнер мамлакатда ўтказилган президентлик сайловларида ғолиб чиққан. Яқинда кунини сайловнинг дастлабки натижасига кўра, Киршнер хоним 54-55 фоиз овоз олгани айтилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу 1983 йили Аргентинада демократия қарор топиб, эркин сайловлар ўтказила бошлаганидан буён энг юқори кўрсаткич ҳисобланмоқда.



**Чегара амалиёти**

Афғонистонда қарийб 200 жангари ўлдирилган. Афғонистондаги НАТО кучлари қўмондонлигининг тарқатган хабарларига кўра, мамлакатнинг Покистон билан чегарадош худудларида ўтказилган амалиётлар чоғида тахминан 200 жангари ўлдирилган ёки асирга туширилган. Халқаро кучлар, шунингдек, жангариларга қарашли 400 килограммдан зиёд портловчи модда ҳамда катта миқдорда қурол-аслаҳани қўлга олган.

**Тунисда сайлов ўтказилди**

Тунисда илк бор кўп партиявийлик асосида сайлов ташкил этилди. Тунисликлар мамлакат парламентидан 217 та ўринга депутатлар сайлайди. Депутатлар эса мамлакатнинг янги конституциясини ишлаб чиқади ва ҳукумат аъзоларини сайлайди. Кузатувчиларнинг фикрича, сайлов демократик талаблар асосида ташкил этилган. Расмий маълумотларга қараганда, сиёсий тадбирда сайловчиларнинг қарийб 90 фоизи иштирок этган.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

икки баробарга ошади, дейилган. Демак, кўришиб турибдики, бу қонун ҳозирча эскирмаган. Аксинча, бугун инсоният томонидан замонавий электрон ёрдамчилардан бир неча босқичга ўзиб кетиш эҳтимоли кучли бўлган квант компютерлар иxtиро қилинмоқда.

**ТЕХНИКА АСРИ**

Шунга қарамай, дунё олимлари "супер интеллект" инсоният бошига ташвиш бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидлашмоқда. Ҳозир эволюция зина-поясининг юқорисидан турган инсон интеллект бўйича албатта техникадан устун туради. Аммо, олимларнинг юқорида айтилган иxtиролари амалга ошгудек бўлса, унинг ўрнини онгли компютер — сунъий интеллект эгаллаши мумкин, деган хавотир ҳам йўқ эмас.

Аслида инсон мияси 100 млрд. нейрондан ташкил топган. Унинг ҳар бири 100 Гц частотада ишлаб, бир сонияда 1013 та операцияни бажара олади. Ҳозир замонавий суперкомпютерлар бир сонияда 1015 та операцияни бажармоқда. Америкалик олим Ричард Кэрригнинг баҳолашича, инсон миясининг хотира ҳажми атиги 2,5 Гб ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳатто оддий компютерлар хотирасидан ҳам камроқ. Ҳозир оператив хотира 4 Гб. Шу боис, 2027 йилда қаерда сунъий интеллект яратилса, ўша худудда яшовчи инсонларнинг ақлий салоҳияти ўтмаслашиб қолиши ҳам мумкин. Негаки, сунъий интеллект ривожланиб, шаклланган сари янги-янги иxtироларни ўйлаб топиш эҳтимоли ҳам бор. Мана шундай бир вазиятда инсон ён-атрофида кечаётган воқеаларни таҳлил қилишга ақл-идроки йўл қўймас эмиш.

Инсоният тарихидаги бу ҳолат олимлар томонидан "тезкор технологик тараққиёт (технологическая сингулярность)" деб номланган. Одатда бу атама америкалик фантаст, математик олим Вернер Винджда тегишлидир. У 1993 йили АҚШнинг космик тадқиқотлар маркази ҳамда Огайо Аэрокосмик институти ҳамкорлигида ўтказилган симпозиумда "Технологик сингулярность" номли мақоласини тақдим этган эди. Аслида бу сўз бирлигини ўтган аср ўрталарида замонавий компютерлар отаси Жон фон Нейман илк бор муомалага киритган. 1960 йили британиялик олим Ирвинг Жон Гуд супер интеллект ҳақидаги фаразларини қуйидаги баён этган: "Инсон қанчалар ақлли бўлмасин, ўйлаб топилган ўта онгли машина ундан ўзиб кетиши шубҳасиз. Супер онгни ҳам ўта ақлли инсон яратеди. Демак, яратилган супер онгли машина ўзидан ҳам кучли машинани яратишга қодир. Ана шунда инсон онги сунъийидан ортда қолиши ҳеч гап эмас. Энг муҳими, инсон яратган супер онгли сунъий интеллект иxtироси бўлиб қолмайди. Дарҳақиқат, буларнинг бари ўй-фараз. Кўпчилик олимлар бу каби тадқиқотлар ҳеч қандай жоғида олиб келмаслигини, аксинча, ҳаётимизга янгиликлар олиб киришини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, ген инженерияси соҳасида инсон онгини янада юксак даражага кўтариш йўллари излаб, компютерни ортда қолдириш ҳам режалаштирилган. М.ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

**Жанжалнинг давоси**

Юнон халқининг афсонавий қаҳрамони Геракл бир куни тоғ оралаб кетиб бораётганда унинг йўлида ёнғокдай бир нарса дуч келади. Геракл уни йўлдан четга олиб ташлаш учун бир теппада, аммо ҳалиги нарса катталлашиб муштдек бўлади. Геракл яна бир тепга, у яна катталлашиб тарвуздек шаклга киради. Гераклнинг жаҳли чиқиб қўлидаги гурзиси билан бир тушурган эди ҳамки, ҳалиги бало катталлашиб унинг йўлини тўсиб қўяди. Геракл энди у билан жиддий олишувга ҳозирланаётган эди ҳамки, унга яратгандан шундай нидо келибди:

—Эй Геракл, сенинг йўлингга рўпара бўлган нарсанинг номи — Жанжал. Унга тегмасанг — ҳеч нарса бўлмайди, аммо жahl қилиб, у билан ўчакишсанг у тобора авж олиб катталлашиб, бошингга бало бўлади, яхшиси, ўз йўлингга кетавер. Геракл ноилож жанжални четлаб ўтибди.

**БИЛАСИЗМИ?**

Sony EVO 220 Micro 8 mm видеомагнитофонининг оғирлиги 680 гр. бўлиб, 6x21,7x14,6 см. ўлчамда. Видеомагнитофон 8 мм ли лентага тахминан 5 соат давомда узатилаётган тасвирни ёза олади.

Ruvi CCD-CR 1 камераси ҳам Sony компаниясига тегишли. Ўлчами 12,5x6,7x4,4 см. камера 30 дақиқа давомда узлуксиз ишлаш хусусиятига эга.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Янгича сканер**

**МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН КОМПЬЮТЕРГА ЭХТИЁЖ СЕЗМАЙДИГАН СКАНЕР ЯРАТИЛДИ.**

Оддий сканерлар кўп нарсага қодирлигини яхши биламиз. Бирок, бундай сканер компьютер ёки ноутбукка уланмаган бўлмаса, ундан ҳеч қандай наф бўлмаслиги аниқ. Янги Doxie сканерига келсак, унинг имкониятлари ҳам чекланган. Бирок, у iPhone ёхуд iPad орқали барча ҳужжатлардан нусха кўчира олади. Мазкур аппарат ёрдамида сканерланган ҳужжатларни бемалол Google Docs, Dropbox ёки бўлмаса Evernote компьютер дастурларига кўчириб ўтказиш мумкин. Қарабсизки, зум ўтмай ушбу дастурлар расм ва матнларининг PDF форматига ўтириб беради.



**Шахсий космодром**

**ДАСТАБКИ ШАХСИЙ КОСМОДРОМ НЬЮ-МЕКСИКО (АҚШ) ШАҲРИДА ИШ БОШЛАЙДИ.**

Мазкур космодром йўловчилар терминали ва суборбитал ракетапланлар учун мўлжалланган ангарга эга. "Virgin Galactic Gateway to Space" дея номланган космодром биноси Норман Фостер томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, тез орада бу ердан илк фазовий парвозлар амалга оширилади. Эслатиб ўтамиз, ушбу космодром курилиши 2009 йили бошланган эди. Орадан икки йил ўтганига қарамай, ҳозирча курилиш ишлари батамом ниҳонсига етмаган. Айни чоғда космодромда парвозларга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.



**Бир кўзли ақула**

**БАЛИҚЧИЛАР КУТИЛМАГАН МАНЗАРИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛИШДИ.**

Гап шундаки, улар Калифорния бугозида тўрға илинган урғочи ақула қорнидан бир кўзли ақула боласини топиб олишган. Жонивор оқ туста бўлиб, унинг ягона кўзи пешонасидан жой олган эмиш. Мутахассисларнинг айтишича, балиқчилар тақдим этган суратларда ҳақиқатдан ҳам бир кўзли ақула тасвирланган.



**Экологик тоза кўзойнак**

**АНГЛИЯЛИК ДИЗАЙНЕР СТЕЛЛА МАККАРТНИ ҚУЁШ НУРЛАРИДАН САҚЛОВЧИ ЭКОЎЗЙОНАК ЯРАТГАН.**

Маълумки, аксарият қора кўзойнақлар пластикдан ясаллади. Ушбу хомашэ эса 400 йил деганда батамом парчаланмади. Шу боис, унинг инсон соғлиғига фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Дизайнер Стелла Маккартни таклиф этаётган кўзойнак экологик тоза бўлиб, у 54 фоиз табиий материаллардан тайёрланган. Янги кўзойнак қанақунж уруғлардан олинган ашё асосида ясалган. Айтиш жоизки, бундай кўзойнак замонавий услубда ишланган ва, энг муҳими, унинг атроф-муҳитга ҳеч қандай зиёни тегмайди.



**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

**КЎЗГҮ**

**ART WEEK STYLE.UZ-2011**

**Ранглар, орзулар, ҳиссиётлар ҳамоҳанглиги**

**АНЪАНАВИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ АНА ШУНДАЙ ШИОР ОСТИДА БОШЛАНДИ**



Юртимизда ҳукм сураётган олтин кўз фаслининг сокин кунларида ўтказилаётган Art Week Style.uz-2011 анъанавий санъат ҳафталиги дунё ҳам-жамияти эътиборини яна бир бор Ўзбекистонга қаратди. Санъатга иштиёқи, илос-мандлиги, меҳри баян бўлган инсон борки, бу санъат ҳафталигига бефарқ бўлмайди. 23 октябрь кунини пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи маданият, санъат ва мода илос-мандлари, мамлакатимизга таширғил бу юрган азиз меҳмонлар ва ОАВ ходимлари билан гавжум бўлди.



га қаратилган ушбу санъат ҳафталиги Британия Кенгаши, Француз институти, Гёте институти сингари йирик хорижий ҳамда маҳаллий идоралар ва жамоат ташкилотлари кўмаги остида ўтказилмоқда.

"Ранглар, орзулар, ҳиссиётлар ҳамоҳанглиги" шиори остида ўтказилаётган Style.uz-2011 санъат ҳафталиги доирасида мамлакатимизнинг етакчи дизайнер ва хорижий мода уйлари либослари намойишлари, миллий либослар фестивали, театр постановкалари, классик ва замонавий санъат бадиий кўргазмалари, замонавий санъат биеннаlesi, халқаро кинофорум, хайрия акциялари ҳамда турли тақдимот, концерт, кўнгилонар тадбирлар, машурлардан маҳорат дарслари, ёшлар иштирокида блиц-брифинглар тақдим этилаёпти. Шоу-бизнес, мода, кино, театр, санъат, музика ва ОАВ оламининг таниқли вакиллари билан бевосита учрашиш, суҳбатлашиш имконига эга бўлаяпти.

**БИРИНЧИ КҮН**

Art Week Style.uz-2011 санъат ҳафталигининг биринчи иш кунини турли кўргазмалар тақдими бўлиб ўтди. Шахримизнинг мухташам кўргазма галереялари юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини санъат намуналари билан таништирди. Булар маҳаллий ва хорижий рассомлар, дизайнёрлар, фотосуратчилар, замонавий ва анъанавий санъат усталарининг шахсий кўргазмалари, дизайн ва мода шоу кўргазмаларидир. Ҳафталикдан ўрин олган VI Тошкент замонавий санъат халқаро биеннаlesi йирик халқаро кўргазма бўлиб, бу йил "Замонавий санъат: рассом худуди ва жамият" шиори остида ташкиллаштирилди. Унда дунёнинг турли давлатларидан, хусусан, Австрия, Озарбойжон, Германия, Буюк Британия, Арманистон, Греция, Миср, Хиндистон, Хитой, АҚШ, Россия, Корея республикаси, Франциядан таш-

риф буюрган 150 нафардан ортик рассом ва санъатшунослар иштирок этмоқда.

Биенналедан жаҳон мумтоз рассомчилиги вакили Жоан Миро ҳамда замонавий испан импрессионистлари Луис Амэр, Мартин Карал, Хорхе Нуньес, рассом-фотосуратчи Игорь Вишняковларнинг асарлари кўргазмаси ҳамда "Фаберже" заргарлик уйдан "Услуб — бу мен" деб номланган замонавий санъат кўргазмалари ўрин эгаллаган.

**Валерий КАЦУБА, фотосуратчи (Россия):**

— Мен бу санъат ҳафталиги доирасида халқаро биенналеда ўзимнинг 7 та асарим билан иштирок этаман. Style.uz-2011 санъат ҳафталигининг очилиш маросими, жуда зўр ўтди. Бир олам таассурот олдим. Айниқса, ўзбек миллий музикаларини, қўшиқларини мароқ билан тингладим. Асарларим кўргазмасини ташкил қилишда, ҳафталикда иштирок этишимда ёрдам берган барча ташкилотчиларга, Фонд Форумга миннатдорчилик билдираман.

Ҳафталикнинг илк кунини томошабинларга британиялик таниқли дизайнёрлар томонидан яратилган замонавий асарлар тўплами намойиш этилди. Унда ҳаммага машур британиялик дизайнёрлар — Пол Смит, Вивьен Вествуд, Хуссейн Чалаван ва София Кокосолоки ҳамда ёш, умидли модельерлар — Питер Женсен, Мариос Шваб ва Осман Юсуфзодиннинг асарлари санъат илосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, "Мода миллий анъаналар ва замонавий ўзгаришлар уйғунлашуви" мавзусида Лондон мода коллежи мутахассисларидан маҳорат дарслари ўтказилди. London College of Fashion гўзаллик салонлари учун модельер ва мутахассислар этиштирди. Мазкур коллеж мутахассислари Style.uz да кетма-кет учинчи мартаба иштирок этмоқда. Энг асосийси, 2011 йил май ойида ёш ўзбек дизайнёрлари Британия пойтахтига бориб, коллеж талабаларига замонавий либос яратишда ўзбек миллий матоларидан фойдаланишга бағишланган бир туркум маҳорат дарсларини ўтиб қайтишди. Буларнинг бари Фонд Форум ва Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

**Зарнигор ОМОНУЛЛАЕВА, Фаргона Давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси:**

— Бир неча йиллардан буён Фонд Форумнинг кўплаб лойи-

ҳаларида иштирок этаман. Юртимизда ёшларимизга, уларнинг иқтидорига бўлган эътибор тахсинга сазовордир. Бугунги кўргазмалар, биенналелар, маҳорат дарслари келажакда ана шу жанрда ижод қилаётган ёшларга катта ёрдам бўлади, деб ўйлайман. Ҳозир ижод қилаётган ёшларимизнинг асарлари ҳеч бир профессионал ижодкорлар асаридан қолишмайди. Фонд Форум ана шундай иқтидор эгаларини кашф этишда давом этмоқда. Бу ҳафталик ўзбек миллий санъати, кадрятлари, анъаналари намуналарини жаҳонга намойиш этиши билан аҳамиятлидир.

**ИККИНЧИ КҮН**

Миллий матоларимиз дунё мода оламининг таниқли мутахассислари томонидан тан олинди. Ҳафталикнинг иккинчи кунинида миллий санъат марказида ўтказилган либослар намойиши бу фикримизга тўла тасдиқ бўла олади. Шу кунини атлас, адрас, шойи каби миллий матоларимиздан ҳам беҳирим, кўрса кўзини қувнатадиган, замонавий ва классик услубда тикилган либослар йиғилганларга намойиш этилди.

"Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Ижтимоий ишбилармонликни ривожлантириш: тажриба ва тамойиллар" мавзусида халқаро аёллар бизнес-форуми бўлиб ўтди. Ёшлар ижод саройида эса корейлик дизайнёрлар кўргазмаси ташкиллаштирилди. Санъат ҳафталиги доирасида "Олтин Гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми ҳам давом этмоқда. Фонд Форумнинг Анжуманлар залида таниқли киноюлдузлар иштирокида блиц-брифинг ўтказилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Кинофорумнинг фаолияти билан танишдилар. UNDERGROUND либослар намойишида эса ўзбекистонлик ёш дизайнёрлар ўз асарлари билан қатнашди.

**УЧИНЧИ КҮН**

Style.uz-2011 санъат ҳафталиги қизгин паллага кирди. Маана учинчи кундирки, турли миллат вакиллари битта, яъни санъат тилида сўзлашяпти. Узаро фикр, тажриба алмашяпти. Ёшлар ижод саройида "Мода санъати ва касбий таълим тизими" мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Анъанавий санъат, мода ва дизайн кўргазмаси, либослар намойиши бўлиб ўтди. Миллий санъат марказида бўлиб ўтган сартарошлик санъати халқаро танлов эса кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу куннинг энг муҳим воқеаси эса "Олтин Гепард" биринчи Тошкент халқ-



ро кинофорумининг ёпилиш маросими бўлди, десак адашмай-миз. Ниҳоят бир ҳафта давом этган кинофорум ҳам аяқланди. Унга кўра, энг яхши киноасарлар саралаб олиниб, ғолиблар аниқланди...

**Фатхулла ХҲАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Санъат ҳафталиги доирасида ташкиллаштирилган "Teatre.uz" халқаро театр фестивалида вилоятлар ҳамда хорижий давлат театр усталарининг кўплаб саҳна асарлари намойиш этилаёпти. У ўз мавқеи, иштирокчиларининг қўллиги билан бошқа фестиваллардан ажралиб туради. Бу тадбирлар ёшларимизнинг маънавиятига, дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

**Светлана НУРАБУЛЛАЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Ўлкашунослик музейи директори:**

— Биз Style.uz-2011 ҳафталигида 18 асрга оид 6 қанотли ўтовимиз ва музейларимиздан ўрин олган 150 дан ортик экспонатларимиз билан катнашяпмиз. Миллий матоларимиз, тақинчокларимиз, хунармандчилик буюмларимиз, турли давлатлардан келган меҳмонларда қизиқиш уйғотяпти. Ўтовимизда суратга тушишяпти. Бизнинг тарихимиз, кадрятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишяпти.

**Расулжон МИРЗААХМЕДОВ, Марғилон шаҳар "Хунарманд" уюшмаси раиси:**

— Биз бу ҳафталикдан ўрин олган миллий матолар кўргазмасига Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилон шаҳрида тўқилган, бўялган миллий атлас, адрас, шойи каби матоларимизни олиб келдик. Мен бу миллий хунармандчиликда тўққизинчи авлодман. Ҳозирда ўз хунарминини "Устоз-шогирд" анъанаси асосида фарзандларим ва шогирдларимга ўргатаёпман. Биз бу матоларни бўяшда табиий ранглардан фойдаланаяпмиз. У ўзининг таниқ ранглари, жилорлари билан ажралиб туради. Дунё мода оламида миллий матоларимизнинг ўз ўрни бор. Бу кўргазма биз каби хунармандларни ижод қилишга, янгиликлар яратишга ундайди. Фонд Форумнинг бу лойиҳаси тахсинга сазовордир.

**Эътибор МИРНАЗАРОВА, санъатшунос:**

— Интиқлик билан қутилган санъат ҳафталиги доирасида республикамизнинг барча вилоятлари уста хунармандларининг халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда. Бу кўргазма, айниқса, хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг ўзбек миллий амалий санъатига бўлган эътибори кучли эканлигини кўрдик. Атлас, адрас, шойи каби матоларимизнинг сержиллиги, кашталаримиздаги ранглар, чизмалар томошабинни ўзига жалб этмоқда.

Style.uz-2011 санъат ҳафталигида анъаналар билан биргалликда бир қанча янги лойиҳалар ҳам тақдим этилмоқда. Масалан, "Олтин Гепард" Тошкент халқаро кинофоруми, "Фаберже" заргарлик уйининг халқаро кўргазмаси, сартарошлик халқаро танлови, "Токио — 100 ёшда" кўргазмаси, франциялик рассом Александр Клериссдан комикслар (ҳажвий суратлар) шулар жумласидан. Дунёнинг энг машур брендлари иштирок этаётган Art Week Style.uz-2011 санъат ҳафталиги 28 октябрга қадар давом этади.

**Эркин ЙЎЛДОШ, "Milliy tiklanish" муҳбири**

